

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/5 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в.б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳаёти ва ҳуқуқшунослиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибраимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Кайпова Малика Дауытбай қизи</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ	9-13
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА	14-19
<i>Aminov Xurmatbek Baxram o'g'li</i> HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR	20-25
<i>Мустафоев Жонибек Аралбоевич</i> “ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	26-31
<i>Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li</i> O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI	32-36
<i>Маҳмудон Эркин Асқаралиевич</i> АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР	37-45
<i>Назаров Комил Шамсуддинович</i> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ	46-51
<i>Mamajonov Rahimjon Akramovich</i> O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI	52-58

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Остонокулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли</i> ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	59-69
<i>Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich</i> DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF UZBEKISTAN	70-75
<i>Хамраев Джамшид Панжиевич</i> ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ	76-81
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	82-91
<i>Axmedova Nazokat Zikirillo qizi</i> KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH USULLARI VA AFZALLIKLARI	92-97

Саатмуротов Шохрух

МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ 98-103

*Шакирова Фароғат Болтаевна*АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА
РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ 104-113*Кадиров Лутфулло Халимович*ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МУАММОЛАРИ 114-121*Ibragimova Zarema Zokirovna*DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TAHLILINI
TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI 122-129*Қодиров Азизжон Анварович*«COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА
ТАЪСИРИ 130-137**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***Sharipov Dilshod Baxshilloyevich*

JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI 138-145

*Raxmatova Xolidaxon Xolikovna*ХОҲА АҲРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ҲАМҶИНАТЛИККА ДОИР Г'ОҲАЛАРИ –
ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА 146-151*Орзиев Иқболжон*АҲБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ
АҲАМИЯТИ 152-157*Turabova Sevara Kattaqulovna*

ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI..... 158-165

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Israil Mukaddas Irgashevna*

BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDI O'RGANISH USULLARI 166-172

*Nishonova Xurshida Yusufjanovna*A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY
QARASHLAR 173-178*Маматкулова Камола Шавкат кизи*ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО
РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ 179-184*Hamroyeva Dilfuza Jamolovna*

O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI 185-189

Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna

OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

Kuchkarova Arofathon

THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS
AT SCHOOLS 278-283

Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna

UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH
TARIXI 284-288

Masharipov Ravqat Madraximovich

KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK
BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI
OPTIMAL ME'YORLASH 289-295

Niyozmatov Anvar Bahodirovich

XORAZM XALQ O'YINLARI 296-303

Qodirov Xasanboy Oribjonovich

OLIY TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH
BOSQICHLARI 304-309

Kejaboev Abdusalim Erkaboevich

PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIY RAHBAR KOMPETENTLIGI 310-315

Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI
TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIY TA'MINOTI 316-322



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари. -№ S/5 (3)-2023
ISSN: 2181-1342 (Online)
<https://scienceproblems.uz>

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Кулибоев Азамат Шоназарович

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
International school of finance technology and science (ISFT)

e-mail: buxgalter_82@mail.ru

ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиётини такомиллаштириш илмий жиҳатдан асосланган. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадлари ва уларнинг шаклланишига таъсири назарий жиҳатдан асослаб берилган. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкилий – услубий жиҳатдан ҳисоб сиёсатига боғлиқлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоби стандарти, давлат тиббиёт ташкилоти, молиявий ҳисобот, ҳисоб сиёсати.

Kuliboyev Azamat Shonazarovich

Doctor of Philosophy in Economic Sciences (PhD)
International school of finance technology and science (ISFT)

IMPROVING THE METHODOLOGY FOR THE FORMATION OF ACCOUNTING POLICIES IN STATE MEDICAL ORGANIZATIONS

Abstract. In this article, the improvement of the method of forming the accounting policy in state medical organizations is based on the scientific point of view. The goals of accounting policy development and their impact on formation are theoretically justified. The organizational-methodical dependence of accounting in state medical organizations on the accounting policy has been revealed.

Key words: accounting, budget accounting, budget accounting standard, state medical organization, financial report, accounting policy.

Кулибоев Азамат Шоназарович

доктор философии по экономических наук (PhD)
International school of finance technology and science (ISFT)

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ФОРМИРОВАНИЯ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Аннотация. В данной статье с научной точки зрения проводится совершенствование методики формирования учетной политики в государственных медицинских организациях. Теоретически обоснованы цели разработки учетной политики и их влияние на формирование. Выявлена

организационно-методическая зависимость бухгалтерского учета в государственных медицинских организациях от учетной политики.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, бюджетный учет, стандарт бюджетного учета, государственная медицинская организация, финансовый отчет, учетная политика.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N12>

Кириш. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб юритиш жараёнида бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда. Бу муаммоларнинг ечими ягона тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида ҳисобнинг ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ҳисоб сиёсатини шакллантириш ҳисобланади. Ҳар қандай давлат тиббиёт ташкилоти ўзининг молия – хўжалик фаолиятини ривожлантириш ва амалга оширишнинг бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ҳисоб сиёсатига эга бўлиши керак.

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятида ҳисоб сиёсатининг аҳамиятини ортиқча баҳолаш қийин, чунки, бу ҳақиқатан ҳам тиббиёт ташкилотининг бошқарув ва бухгалтерия ходимлари ҳамда ташкилотнинг таркибий бўлимлари учун ички қоидаларнинг мажмуаси ва ташкилотнинг молиявий ресурсларини бошқариш, уни ички назоратини таъминловчи ҳужжат ҳисобланади [4; 84 – 89 – б.].

Шу боисдан, давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсатини услубиёт жиҳатдан тўғри шакллантириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Яъни, ҳисоб сиёсатида тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб – китоблари, инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш, бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тартиби, хўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шакллари ҳамда фаолият йўналиши бўйича пуллик тиббий хизматлар калькуляциясини шакллантириш тартиби каби мунозарали масалалар ўз ифодасини топади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тадқиқот мавзуси доирасида мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилди.

Тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш масаласи С.Ю.Фирстованинг асарларида баён этилган. Унда тиббиёт ташкилотида ҳисоб сиёсатини тузишнинг асосий қоидалари, ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобининг усулларида бири белгиланиши, тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирадиган фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотининг ҳисоб сиёсатида қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатилган [8; 9 – 13 – б.].

И.С.Бехтереванинг тадқиқотларида ҳам бюджет муассасасининг ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалалари кўриб ўтилган бўлиб, бунда бюджет муассасасининг ҳисоб сиёсатини шакллантириш босқичлари ва кетма – кетлиги, олимлар томонидан ҳисоб сиёсатига берилган таърифларнинг ижобий ва салбий хусусиятлари очиқ берилган ҳамда муаллифлик таърифи шакллантирилган [1; 108 – 118 – б.].

Ташкилотларнинг самарали ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш О.П.Полонская томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Ушбу тадқиқотда замонавий иқтисодий шароитда солиқ ҳисобини юритиш учун ташкилотларнинг самарали ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг назарий ҳамда

амалий жиҳатлари ўрганилган. Самарали ҳисоб сиёсатининг бухгалтерия ва солиқ ҳисобларидаги ахборотни очиб бериш масалалари солиштириб, таҳлил қилинган. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш босқичлари илмий жиҳатдан асосланган [7; 1 – 6 – б.].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.У.Меҳмонов, А.А.Остонокулов ва К.Ш.Ибрагимовларнинг илмий тадқиқот ишларида бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалалари масалалари кўриб ўтилган.

Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришга қўйилган талаблар ва таъсир этувчи омиллар назарий ҳамда амалий жиҳатдан С.У.Меҳмоновнинг илмий тадқиқотларида ёритиб берилган. Шунингдек, бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ташкилий, техник ва услубий жиҳатлари ҳам олим томонидан илмий асосланган [5; 52 – 56 – б.].

А.А.Остонокуловнинг тадқиқотлари бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисобга олиш ва ҳисоботларни шакллантиришнинг услубий жиҳатларини ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши кўрсатиб берилган [6; 138 – 157 – б.].

Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсати, унинг таркиби, тузилиши ва уни ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари К.Ш.Ибрагимов томонидан назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган. Бюджет ташкилотларининг ҳисоб сиёсатига оид меъёрий ҳужжатлардаги маълумотлар ўрганилган. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ мунозарали ҳолатлар келтирилган ва уларни бартараф этиш бўйича илмий-назарий таклифлар ҳамда услубий тавсиялар келтирилган [2; 30 – 35 – б.].

Юқоридаги хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида асосан бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг назарий – услубий жиҳатлари очиб берилган бўлса-да, давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиётини такомиллаштириш масалалари батафсил ўрганилмаган. Шу боисдан, ушбу мавзу бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугун кунда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида тизимли таҳлил, мантикийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, гуруҳлаш ва илмий тадқиқотга оид бошқа усуллар қўлланилди.

Муҳокама ва натижалар. Давлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ва режа – молия бўлимлари учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ишончилиги ҳамда ташкилотда ҳисобнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини асословчи ҳужжат бу ташкилотнинг ҳисоб сиёсати бўлиб, молия йили учун даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш жараёнида бевосита фойдаланилади.

Ҳисоб сиёсатининг аҳамияти ва мазмуни давлат тиббиёт ташкилотини молиявий – ҳўжалик фаолиятини бошқариш жараёнида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётини ривожланиши натижасида давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларининг иқтисодий манфаатлари бир – бирдан ажралиб кетди. Тўғри назоратни таъминлаш ва бухгалтерия ҳисобига умумий ёндашувни таъминлаш

мақсадида давлат томонидан меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қонун ҳужжатлари янгиланди [3; 31 – 37 – б.].

Шунингдек, ривожланган мамлакатларда тиббиёт ташкилотларининг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини тартибга солишга таъсир кўрсатадиган, улар манфаатларини илгари сурувчи ва ўз услубий ёндашувларини ҳимоя қилувчи профессионал бухгалтерия хизматини кўрсатувчи ташкилотлар ташкил этилган. Мамлакатимизда ҳам бундай ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, фақатгина хусусий тиббиёт ташкилотларига шартнома асосида хизмат кўрсатади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби эса, “Намунавий штатлар жадвали”га асосан тузилган бош бухгалтер раҳбарлигидаги бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан юритиб келинмоқда. Шу ўринда таъкидлашимиз керак бўлган нарса, тадқиқот олиб бориш жараёнида аксарият давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия хизмати ходимларининг лавозим йўриқномалари мавжуд эмаслиги, мавжуд бўлганлари ҳам эски ҳолат бўйича қолиб кетганлигидир.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнига ва молиявий ҳисоботларни тузишга ҳалақит берадиган омиллардан бири бу ташкилотда ҳужжатлар айланиш графигининг йўқлиги ҳисобланади.


Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун тиббиёт ташкилотлари ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланишини амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда услубий жиҳатдан тўғри акс эттириш керак.

Бугунги кунда давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий ҳисоботларни тузиш учун мутахассисларнинг профессионаллик даражасини ошириш, бюджет ҳисобининг стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва улардаги ахборотларни очиқ беришда ҳам ҳисоб сиёсати муҳим роль ўйнайди. керак бўлади.

Давлат секторида бюджет ҳисоби стандартларининг қабул қилиниши ва амалиётга жорий қилиниши натижасида, давлат тиббиёт ташкилотларига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича молиявий ҳисоботларни сифатли шакллантириш талабини қўймоқда. Ушбу ҳолат молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ҳам ишончли маълумотлар тақдим этилишини кафолатлайди.

Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (IPSAS) талаблари ва қоидалари ҳисобга олиниши керак. Агар, маълум бир масала бўйича норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда бухгалтерия ҳисоби усуллари белгиланмаган бўлса, давлат тиббиёт ташкилоти давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IPSAS)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бюджет ҳисоби стандартларига мувофиқ давлат тиббиёт ташкилотлари ҳисоб сиёсатини янада қатъий тартибга солиниши ва унинг қоидаларини профессионал мулоҳаза асосида давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IPSAS)га мувофиқлаштириш керак [9; 82 – 86 – б.].

Биз илмий жиҳатдан, давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва бюджет ҳисоби стандартлари бўйича давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини мувофиқлаштириш кетма – кетлигини қуйидаги расм орқали ифодалаганмиз (1 – расм).



1-расм. Бюджет ҳисоби стандартлари ва давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича давлат тиббиёт ташкилотлари ҳисоб сиёсатини мувофиқлаштириш кетма-кетлиги³

Ҳисоб сиёсатини давлат тиббиёт ташкилотларини фаолият йўналишига қараб ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш ўз ичига олган мураккаб жараён бўлиб, тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг хусусиятларини ўрганиш, амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш, иқтисодий ва молиявий ҳисоб – китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисоби усулларини танлаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнида қўйилган мақсадларни мувофиқлаштириш энг қийин муаммолардан биридир. Тиббиёт ташкилоти раҳбарияти ҳужжатни турли йўналишларда ишлаб чиқиш натижасига таъсир қилувчи ҳисоб сиёсатини яратишда турли мақсадларни кўзлаши мумкин.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда мақсадларни уйғунлаштириш имконияти 2 – расмда кўрсатилган, аммо, бу имкониятлар жуда чекланган.

³Муаллиф ишланмаси



2 – расм. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадлари ва уларнинг шаклланишига таъсири⁴

Амалиётда бу меъёрларни ёки бухгалтерия ҳисоби ёндашувларини бирлаштириш натижасида давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолият йўналишларига қараб ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг кўп вариантларини, яъни, стационар, амбулатор ва аралаш типда тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари бўйича ҳисоб сиёсати ишлаб чиқиш кераклигини келтириб чиқаради.

Амалиётга жорий қилинаётган ҳисоб сиёсатини ҳар томонлама тўлиқ, мукамал ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун давлат тиббиёт ташкилотларида кўп йиллик

⁴Муаллиф ишланмаси

иш тажрибасига эга бўлган малакали иқтисодчи – ҳисобчи мутахассисларни жалб қилишни, шунингдек, малакали аудиторлик хизматларидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича маслаҳат олишни ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


Натижада, услубиёт жиҳатидан тўғри ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати ташкилотда шахсий ҳисобварақлар бўйича маблағлар ҳисобини юритиш ва уларнинг назоратини таъминлаш учун самарали воситага айланиш имконини беради. Молия йили давомида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш бўйича тиббиёт ташкилотларидаги муаммоли ҳолатлар, ташкилотнинг келгуси молия йили учун ҳисоб сиёсатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бундай тадбирлар молия йили давомида тизимли равишда амалга оширилиши керак. Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолияти ва қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларни доимий равишда кузитиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсати йилдан – йилга изчил қўлланилиши керак, ундаги ўзгаришлар аҳамиятсиз ва қоидалардан истисно бўлиши керак.

Шундай қилиб, давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантириш билан бухгалтерия жараёнида иштирок этадиган барча тузилмаларнинг самарали ўзаро таъсирини таъминлаш мумкин. Шунингдек, тиббиёт ташкилотларида ишловчи ходимларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш ва материал сарф – харажатларини камайтириш имкониятига эришилади.

Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг маълум функцияларини амалга ошириш имкониятига, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиқ даражасига ва давлат тиббиёт ташкилотининг молиявий бошқарув самарадорлигига таъсир қилади. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни ташкилот раҳбари амалга оширади. Раҳбар ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва молиявий ҳисобот тизимининг ишлаб чиқилиши, ички назорат тартиби, бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилиши, ҳисоб ҳужжатларининг сақланиши, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрланиши, солиқ ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларнинг тайёрланиши ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шарт. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун давлат тиббиёт ташкилот бош бухгалтери ёки молиявий бошқариш вазифаси юклатилган мансабдор шахс бухгалтерия хизматини амалга оширишга масъул ҳисобланади.

Қуйидаги 3 – расмда ҳам давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ташкилот раҳбари масъул эканлигини кўришимиз мумкин.

3 - расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий – услубий таъминотининг схематик кўриниши⁵⁵Муаллиф ишланмаси

Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнларини ташкил этишда, 3 – расмда кўрсатилганидек, ҳисоб жараёнида асосий функция ва вазифаларни тўғри ва ўз вақтида бажарилиши устидан тўлақонли назоратни олиб боришда бош бухгалтерга бош бухгалтер ўринбосари кўмаклашишади.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги барча давлат тиббиёт ташкилотларининг амбулатор ва стационар шароитларда аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишини ҳисобга олиб, фаолият йўналишлари ва ихтисослашувига мос ҳолда ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унинг услубиётини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини услубиёт жиҳатидан тўғри шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, бухгалтерияда иш ҳажмининг кўплиги, шахсий ғазна ҳисобварақлардаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар айланиш миқдорининг катталиги туфайли ҳар бир ҳисобчи ўз вазифасини бажаришда қатъий тартибга амал қилади, ўзига тегишли ҳисоб объектлари бўйича кунлик маълумотларни тайёрлаб боради ҳамда чораклик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлаш учун бош бухгалтерга маълумотларни тақдим қилади. Ўз навбатида тиббиёт ташкилотининг таркибий бўлим ва бўлинмалари моддий жавобгар шахсларидан ҳисоботлар ва бухгалтерия маълумотларини тайёрлаш учун керакли маълумотларни талаб қилиш имкониятига эга бўлади.

Натижада давлат тиббиёт ташкилотларидаги кунлик ҳисоб ишлари тўғри ва мазмун жиҳатидан кетма – кет бажариб борилади, чораклик молиявий ҳисоботлар тўғри шакллантирилади. Ҳисоб сиёсатининг принципларига тўла риоя қилинган ҳисобланади. Энг муҳими тиббиёт ташкилоти фаолияти бўйича шакллантирилган ҳисоб сиёсатининг самарадорлиги таъминланади.

Хулоса. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш учун аввало, давлат тиббиёт ташкилотининг фаолият йўналишига, кўрсатаётган тиббий хизматлар турларига эътибор бериш керак. Шунингдек, маблағларни шаклланиш манбалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятига мос ҳолда ҳар бир ҳисоб объектлари бўйича ҳисоб сиёсатини тўлақонли, ҳисоб сиёсати элементлари ва принциплари асосида шакллантирилиши ички назорат тизимининг яхшиланишига, тиббиёт ташкилоти таркибий тузилмаларининг бухгалтерия хизмати билан ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш ҳамда бухгалтерия ахборотларининг ишончилигини таъминлашга олиб келади. Шунингдек, бизнинг фикримизча, давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнида қуйидаги масалалар услубий жиҳатдан тўғри ва аниқ акс эттирилиши керак:

тиббиёт ташкилотларида товар – моддий қийматликларининг турлари бўйича инвентаризацияни ўтказишнинг тартиби ва муддатлари кўрсатилиши шарт. Чунки, ҳисобот даврида инвентаризация жараёнида аниқланган мол – мулк камомади ва ортиқчаси инвентаризация комиссия далолатномалари орқали расмийлаштирилади, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, моддий жавобгар шахслар бўйича ҳар ойда ва ҳар чоракда тиббиёт ташкилоти балансидаги моддий қийматликларнинг сақланиши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилиб турилади. Инвентаризация жараёнида аниқланган мол – мулк камомади бўйича айбдор шахслар аниқланиб, етказилган зарар миқдори тиббиёт ташкилоти фойдасига

ундирилади. Тиббиёт ташкилотидаги моддий жавобгар шахслар бўйича “Тўлиқ моддий жавобгарлик шартномаси” тузилади ва улар назорат қилиб борилади.

- тиббий хизматлар калькуляциясини шакллантириш тартибининг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши керак. Бу ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, пуллик тиббий хизмат турлари бўйича нархларни шакллантиришда тиббий хизмат бирлиги нархини (шифокор маслаҳати, муолажалар, текширувлар, хирургик амалиёт ва бошқалар) ҳамда бир ўрин-кун нархини аниқлашда таннархга киритиладиган бевосита ва билвосита харажатларни аниқлаш имконини беради.

- тиббиёт ташкилоти бўйича ҳужжатлар айланиши графиги ҳисоб сиёсатига киритилиши шарт. Бу тиббиёт ташкилотларида ҳисоб ишларининг яхшиланишига, бухгалтерия ҳисобининг назорат қилиш функциясининг кучайишига ёрдам беради. Ҳужжатлар айланиши графигига риоя қилиш бўйича жавобгарлик, шунингдек ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш учун уларни ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишончилиги бўйича жавобгарлик ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

Адабиётлар /Литература/References:

1. Бехтерева И.С. Формирование учетной политики бюджетного учреждения. // Журнал “СОВРЕМЕННАЯ ЭКОНОМИКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ” 2 (86) 2017, 108 – 118 – с.
2. Ибрагимов К.Ш. Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш муаммолари: назария ва услубиёт. // Иқтисодиёт ва таълим илмий журнали. – Тошкент, 2017. № 2 – сон, 30 – 35 – б.
3. Кулибоев А. Ш. Бюджет назоратининг назарий-услубий асослари //World scientific research journal. – 2023. – Т. 16. –№. 1. –С. 31-37.
4. Кулибоев А. Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичлари //MOLIYA VA BANK ISHI. – 2022. – Т. 8. – №. 1. – С. 84 – 89.
5. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография – Т.: “Iqtisod va moliya”. 2016. 136 б.
6. Остонақулов, А.А. "Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш" монография." Т: VNESHINVESTPROM нашриёти 208 (2021).
7. Полонская О.П., Михно Е.В. Формирование и реализация эффективной учетной политики организации. //«Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» №16 2017, 1 – 6 – с. Alley-science.ru
8. Фирстова С.Ю. Бухгалтерский учет в медицине. Учебник. – М.: «АйПиЭр Медиа», 2007. – 283 с.
9. Shonazarovich K. A. REGULATORY AND LEGAL REGULATION OF ACCOUNTING IN BUDGETARY INSTITUTIONS //EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). – 2023. – Т. 10. – №. 6. – С. 82-86.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).